



ОДАМЛАРНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ХАЙРЛИ ИШЛАР



Президент Шавкат Мирзиёев 6 июнь куни Тошкент ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичи қурилишини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Тошкент ер усти ҳалқа метрополитени линиясининг иккинчи босқичини қуриш ишлари давом эттирилмоқда.

Маълумки, 2020 йилда Тошкент ер усти ҳалқа метросининг биринчи босқичида 11,5 километр бўлган “Дўстлик-2 — Қўйлик” участкаси бунёд этилиб, жами 7 та бекат фойдаланишга топширилган эди. Айни пайтда ушбу йўналишдан кун давомида 22 мингдан ортиқ йўловчи фойдаланмоқда.

2020 йил охирида эса ер усти ҳалқа метросининг 6,3 километр бўлган, 5 та бекатдан иборат Сергели линияси ҳам қуриб битказилди ва бугунги кунда ушбу йўналишда ҳар куни 46 мингдан ортиқ йўловчи ташилмоқда.

Пандемиядан кейинги ва ҳозирги иқтисодий қийин шароитда ижтимоий лойиҳаларга пул ажратадиган давлатлар жуда кам. Мамлакатимизда одамларнинг мушкуллини осон, узоғини яқин қилишга қаратилган хайрли ишлар бир зум тўхтагани йўқ.

Бугунги кунда Қўйликдан Сергели йўналишининг 5-бекатига элтувчи иккинчи босқич барпо этилмоқда. Ҳозирги кунгача 200 дан зиёд таянч устунлар ўрнатилиб, эстакадалар қурилмоқда. Қурилишга 75 дан ортиқ техника, машина ва механизмлар ҳамда 1 минг 100 дан ортиқ малакали муҳандис ва ишчи-ҳодим жалб қилинган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларнинг сифатини кўздан кечирди.

— Ер усти метроси қуриш тажрибамизда йўқ эди. Биз янги тарих яратяпмиз. Шунинг учун йўлнинг мустаҳкамлигини яна бир марта жиддий кўриб чиқиш керак. Иккинчидан, метрода, бекатларда одамлар учун замонавий, электрон хизматларни кўпайтириш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ер усти метросининг қарийб 12 километрлик бу қисмида 7 та бекат бўлади. Улар орасидаги қатнов вақти 13 дақиқани ташкил этади. Мазкур йўналиш бир кунда 40 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади.

Бунинг эвазига шахсий транспортларга эҳтиёж камайиб, тирбандлик барта-раф этилади. Хусусан, Қўйлик – Сергели йўналишида ҳаракатланадиган кунлик автомобиллар сони 32 минггача қисқариб, транспорт оқими 12 фоиз камайиши мумкин.

Умуман, ушбу босқич қуриб битказилиши билан Тошкент метрополитенининг жами узунлиги 70 километрдан зиёд, бекатлар сони 50 та бўлади. Метрода юрвчи кунлик йўловчилар сони 600 минггача етади. 245 та янги иш ўрни яратилади.

Шу ерда Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш ва метрополитенда йўловчиларни кўпайтириш лойиҳалари тақдимот қилинди.

Унга кўра, жамоат транспорти билан яхши қамраб олинмаган маҳаллаларга 12 та янги автобус йўналиши очилиб, метро бекатлари билан боғланади. Шунингдек, Тошкент вилоятидан пойтахтга

қуриб келувчи 9 та катта йўлда тезкор автобус қатновлари ташкил этилади.

Тошкент давлат транспорт университети томонидан чет эллик экспертлар билан биргаликда метрополитендан фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Хусусан, қўшимча жамоат транспорти йўналишлари очиш ва уларни йўловчи кам метро бекатларига боғлаш, поездлар вагонини 5 та қилиш ва қатнов оралиғини қисқартириш каби чоралар кўзда тутилган.

Буларнинг натижасида метро ҳаракатининг таннари, аҳолининг жамоат транспортига харажати ва кутиш вақти сезиларли қисқаради. Шаҳарга кириб келувчи енгил автомобиллар сони 97 минггача, магистрал кўчаларда тирбандлик 10 фоизгача камайиши мумкин.

Президентимиз бу тақлифларни маъқуллаб, маҳаллалар аҳолисининг метрога келиб-кейтиши учун қўлайликлар яратиш, бекатлар ёнида авто ва велотураргоҳлар ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади. Жамоат транспорти учун яна электробуслар олиб келиш ва уларга техник хизмат кўрсатувчи мутахассислар тайёрлаш, трамвай йўли қурилишини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Қипчоқ кўчаси бўйлаб юриб, йўл инфратузилмасини кўздан кечирди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ОЛИЙ СПОРТ МАҲОРАТИ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича юқори малакали ҳамда замонавий bilim ва технологияларни ўзлаштирган тренер, ҳакам, селекционер ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини

янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5279-сон қарорига мувофиқ:

1. Қуйидагилар: профессионал таълим тизимини тамомлаган битирувчилар учун ўқий давомийлиги уч йил ҳисобланадиган давлат олий таълим муассасаси шаклидаги ихтисослаштирилган **Олий спорт маҳорати институти** (кейинги ўринларда — Институт) ташкил қилинганлиги;

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ПАРАЛИМПИАЧИЛАРНИНГ МАТОНАТ МАКТАБИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз довуғини дунёга танитиш борасида ёшларнинг кўлга киритган ютуқларини, уларнинг ибратли ҳаёт тарзини тарғиб қилиш орқали мардлик ва ватанпарварлик, она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, ёшларни параспорт турларига кенг жалб қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 майдаги “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5114-сон

қарориди белгиланган паралимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалиётга босқичма-босқич татбиқ этиш мақсадида:

1. **Паралимпиячиларнинг матонат мактаби** (кейинги ўринларда — Матонат мактаби) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Матонат мактабининг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

а) ёшлар, шу жумладан, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги

бўлган шахсларнинг кўлга киритган ютуқлари, уларнинг ибратли ҳаёт тарзини тарғиб қилиш соҳасида:

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ҳамда маҳалларда ёшлар билан учрашувлар ташкил этиб, паралимпиячиларнинг ўз ҳаёт йўлларида қийинчиликларни қандай енгиб ўтганликлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш;

► Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ВА МИНТАҚАВИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 6 июнь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини муҳим сиёсий тадбир — мамлакат Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича умуммиллий референдум муваффақиятли ўтказилгани билан самимий кутлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб

масалалари кўриб чиқилди, минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Олий даражада эришилган, энг аввало, икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий, фан-таълим ва маданий-гуманитар ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш бўйича келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, минтақавий ҳамкорлик, халқаро ташкилотлар доирасидаги яқин ва самарали мулоқотни давом эттириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек дўстона ва амалий руҳда ўтди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ СПОРТ-ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Болалар ва ёшларнинг мактабдан ташқари спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг янги механизмларини жорий қилиш, спортчиларнинг Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида, бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиши ҳамда юқори натижаларга эришишини таъминлаш, бу борада тренер ва спорт мутахассислари меҳнатини адолатли асосда рағбатлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар: Спортни ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги 279 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ва уларнинг филиаллари негизида **254 та спорт мактаблари** 1-иловага мувофиқ;

Спортни ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги 56 та ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари негизида **56 та ихтисослаштирилган спорт мактаблари** 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда икки ой муддатда спорт мактаблари ва ихтисослаштирилган спорт мактабларининг (кейинги ўринларда — спорт мактаблари) намунавий штат меъёрларини тасдиқласин.

Бунда, спорт мактабларининг алоҳида спорт иншоотлари учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича штат бирик-ларини тўлиқ ажратилишини таъминлаш назарда тутилсин.

2. Спорт мактабларида ўқувчиларни қабул қилиш ва тайёрлаш бўйича қуйидаги тизим жорий этилсин:

спорт мактабларига **4 ёшдан 30 ёшгача бўлган** спорт билан мунтазам шуғулланиш ва келгусида профессионал спортчи бўлиш мақсадидаги болалар ва ёшлар қабул қилинади;

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган оммавий спорт мусобақаларида ғолиб ва совриндор бўлган ёшлар, шунингдек, **4-6 ёшли** болалар спорт турларидан келиб чиқиб уларнинг антропометрик кўрсаткичлари асосида дастлаб спорт

мактабининг спорт-соғломлаштириш гуруҳида **олимпия спорт турлари ёки миллий кураш бўйича** ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш ва ҳаракат фаоллиги танқислигини тўлдириш учун **саккиз ойгача бепул шуғулланади**;

спорт-соғломлаштириш гуруҳида шуғулланган ёшлар аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими бўйича спорт синовларидан ўтказилади, ушбу синовлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилар спорт мактабининг **бошланғич тайёргарлик гуруҳи**га қабул қилинади. Бу гуруҳда ёшлар **базавий тайёргарликка** эга бўлиш ва кейинчалик ихтисослашиш учун **спортнинг муайян турини танлайди ва уч йилгача шуғулланадилар**;

бошланғич тайёргарлик гуруҳида шуғулланган ва камида ўсмирлар учун учинчи спорт разрядига эга бўлган болалар спорт мактабининг **ўқув-машқ гуруҳи**га ўтказилади. Ушбу гуруҳда болалар **ихтисослашув** ва спортнинг танланган тури бўйича **чуқурлаштирилган машқлар асосида** беш йилгача шуғулланади;

► Давоми 2-бетда

КУН МАВЗУСИ



ДОН ВА УН МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚЧИЛЛИГИ БЎЛМАЙДИ

ЖАРАЁН РЕСПУБЛИКА ШТАБИ НАЗОРАТИДА

Озиқ-овқат хавфсизлиги, бозорларда нархлар барқарорлигини таъминлаш бугун дунё давлатларини бирдек ўйлантираётган масалалардан бири. Аслида бозор иқтисодиёти шароитида нарх-навоно бозор тамойиллари белгиланган. Яъни қайси маҳсулот қанчадан сотилишини бир ёки бир неча кун олдин башорат қилишнинг имкони йўқ. Шунингдек, маҳсулотга аниқ нарх белгилаб, уни ҳамма сотувчи учун мажбурий қилиш ҳам эркин бозор тамойилларига тўғри келмайди. Фақат бозор нархларини барқарорлаштириш чораларини кўриш мумкин, холос.



► Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ СПОРТ-ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУТЛАҚО ЯНГИ ТИЗИМ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

 Бошланиши 1-бетда

ўқув-машқ гуруҳида шуғулланган ва камида учинчи ёки иккинчи спорт разрядига эга бўлган болалар спорт мактабининг **спортда камолотга эришиш гуруҳига ўтказилади**. Ушбу гуруҳда болалар **уч йилгача** муддат давомида **спорт маҳоратини такомиллаштириш** билан шуғулланади;

спортда камолотга эришиш гуруҳида шуғулланган ва камида Ўзбекистон спорт усталигига ёки Ўзбекистон гроссмейстерлигига номзод спорт разрядига эга бўлган болалар спорт мактабининг **олий спорт маҳорати гуруҳига ўтказилади**. Ушбу гуруҳда болалар **уч йил ва ундан ортиқ муддат** давомида **спортда шахсий имкониятларини** намоён қилиш билан шуғулланади;

спорт мактабининг спорт-соғломлаштириш ва бошланғич тайёргарлик гуруҳларида тайёргарликдан ўтган, профессионал спортга салоҳияти бор ўқувчилари **ихтисослаштирилган спорт мактабининг тегishли йўналишига** (спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика, сув спорти турлари, яқка кураш ва гимнастика) **ўқишга қабул** қилинади.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (**А.Каримов**) Молия вазирлиги (**Ж.Абруев**) билан биргаликда икки ой муддатда мазкур банд талабларидан келиб чиқиб Давлат бюджетидан молиялаштирилдиган спорт мактаблари тўғрисидаги низоимнинг янги тахиририни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб:

а) **аҳолиси 200 мингдан юқори** бўлган туман (шаҳар)лардаги спорт мактабларида камида **20 та олимпия спорт турлари**;

б) **аҳолиси 150 мингдан 200 минггача** бўлган туман (шаҳар)лардаги спорт мактабларида камида **15 та олимпия спорт турлари**;

в) **аҳолиси 150 минггача** бўлган туман (шаҳар)лардаги спорт мактабларида камида **10 та олимпия спорт турлари** бўйича спортчилар тайёрланади;

г) **спорт мактаблари контингенти** фақат Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Парасиёе ўйинлари дастурига киритилган (бундан миллий кураш ҳамда алоҳида Хукумат қарорлари билан белгиланган спорт турлари мустасно) **спорт турлари бўйича шакллантирилади**. Бунда ҳар бир спорт мактаби ва ихтисослаштирилган спорт мактабига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Осиё ва Парасиёе ўйинлари дастурига киритилган **2 та ноолимпия спорт турлари** бўйича спортчиларни тайёрлашга рухсат бериледи;

д) спорт мактабларидаги Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Парасиёе ўйинлари дастурларига киритилмаган (миллий кураш ҳамда алоҳида Хукумат қарорлари билан белгиланган спорт турлари бундан мустасно) ноолимпия спорт турлари бўйича мавжуд **спорт секциялари фаолияти спорт клублари қошида ривожлантирилади**;

е) спорт мактаблари тренерлари ва ноолимпия спорт турлари бўйича,

шунингдек, аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими бўйича спорт синовларидан кейинги босқичларга ўта олмаган ўқувчилар учун олимпия спорт турлари бўйича **пуллик асосда тўғараклар ташкил этишга** рухсат берилади. Бунда:

спорт мактабларида пуллик асосда кўрсатиладиган хизматлардан тушадиган маблағларнинг бир қисми улар **тренерларига қўшимча ҳақ** сифатида йўналтирилади; “Ижтимоий ҳимоя яғона реестри” ахборот тизимига киритилган оилаларнинг фарзандларига спорт мактабларида **машғулотлар бепул ўтказилади**.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (**А.Икрамов**) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда спорт мактабларида ривожлантириладиган олимпия спорт турлари бўйича қайта тайёрлаш курсларида белгиланган тартибда ўқитиш ишларини ташкил этсин;

спорт мактабларидаги мавжуд ноолимпия спорт турлари бўйича шуғулланаётган ёшлар ушбу спорт мактабларини тўлиқ тамомлагунга қадар шуғулланишини таъминласин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги (**А.Икрамов**), Халқ таълими вазирлиги (**Б.Саидов**), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (**А.Тошқулов**), тасарруфидида таълим ташкилотлари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар:

спорт клублари қошида ривожлантириладиган ноолимпия спорт турларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида уларга таълим муассасаларининг спорт заллари ни дарс машғулотларига ҳалақит қилмаган ҳолда бепул ажратсин;

мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали спорт клубларида ривожлантирилаётган спорт турларига ўқувчи ва ёшлар қизиқишини уйғотишга қаратилган тарғибот ишларини олиб босин.

4. Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ташкил этилсин.

5. Белгилансинки:

олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари **олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари** негизида ташкил қилинади;

олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларида ўқиш жараёни 2 та босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда **5-11-синфлар** учун **Олимпия мактаблари**, иккинчи босқичда **1-2-курс**лар учун **Олимпия ва Паралимпия коллежлари** фаолият кўрсатади;

олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказларининг Васийлик кенгашларига **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар**

ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қилади;

Олимпия мактабининг 5-синфига спорт мактабларида яхши натижа кўрсатган ёшлар, аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизими бўйича спорт синовларини муваффақиятли топширган ва юқори иқтидорга эга бўлган ҳамда ўқиш истагини билдирган ўқувчилар **танлов асосида қабул** қилинади;

Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳузурида малакали тренер ва хорижий экспертлардан иборат **Тренерлар кенгаши** ташкил этилади;

Олимпия ва Паралимпия коллежларининг 1-курсига Олимпия мактабларини муваффақиятли битирган ўқувчилар, шунингдек, **Тренерлар кенгаши** ҳулосасига мувофиқ мусобақаларда энг юқори натижага эришган спортчилар **танлов асосида қабул** қилинади;

Олимпия мактаблари ҳамда Олимпия ва Паралимпия коллежларининг спорт турлари бўйича контингенти **Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси** томонидан белгиланади.

6. Қуйидагилар Олимпия ва Паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари **фаолиятини молиялаштириш манбалари эғиб белгилансин**:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари;

таълим хизматларини кўрсатишдан, педагогика, ишлаб қичариш ҳамда улар ус-тавларидаги вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳо-мийлик хайриятлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланма-ган бошқа манбалар.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддат**да Олимпия ва паралимпия спорт турла-рига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Хукумат қарорини қабул қилсин.

7. Спортни ривожлантириш вазирли-ги тасарруфидаги айрим спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2022 йил якунига қадар ривожлантиришнинг мақ-садли кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Спортни ривожлантириш вазири А.Ик-рамов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мақсадли кўр-саткичларга эришиш юзасидан шахсан масъул этиб белгилансин.

8. Спортни ривожлантириш вазирлиги уч ой муддатда:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

спорт мактабларида тайёргарлик бос-қиқларига ва спорт турларига кўра спорт мактабига қабул қилиш учун тавсия эти-ладиган ўқувчи-спортчиларнинг энг ки-чик ёш нормативлари ва тиббий кўрик турларини;

спорт мактабларининг тиббиёт хонала-рида фойдаланиладиган замонавий тиб-биёт асбоб-ускуналари, дори-дармон-лар ва тикланиш воситалари миқдори ва рўйхатини тасдиқласин;

б) тайёргарлик босқичлари ва спорт турларига кўра спорт мактаби **ўқув гуруҳ-ларида шуғулланадиганлар сони** (ўқув гуруҳининг тўлиқлиги)ни белгиласин;

в) спорт мактаблари шуғулланувчилари-га спорт тайёргарлиги босқичлари бўйича бериладиган **спорт унвонлари ва раз-рядларини** тасдиқласин;

г) халқро тажрибани ўрганиш асосида спорт-таълим муассасаларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими асосида баҳолаш тартибини қайта кўриб чиқсин ва унинг такомиллаштирилган тахиририни **Ва-зирлар Маҳкамасига киритсин**.

9. Спорт мактабларининг директорла-ри, директорларнинг ўқув, спорт, оммавий спортни ривожлантириш ва селекция иш-лари бўйича ўринбосарлари, инструктор-методистлари, тренерлари ва тиббиёт ходимларининг базавий тариф ставкасига ўқувчи-спортчилар эришган юқори спорт натижаларидан келиб чиқиб ҳар ойда тў-лаб бериладиган устамалар миқдорлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Спортни ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги спорт мактаблари тренер-ларининг базавий тариф ставкалари 2022 йил 1 сентябрдан **ўртача 1,35 бараварга** оширилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳал-ларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–201-сон қарори билан 2023 йил 1 мартдан бошлаб олимпия, ноолимпия ва миллий спорт тур ла-ри бўйича **уч босқичли умумреспубли-ка спорт мусобақаларини ўтказиш тизими** жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Биринчи босқич — туман (шаҳар) му-собақаларида **қатнашмаган** спортчилар иккинчи босқичга — вилоят мусобақалари-да иштирок этишга;

иккинчи босқич — вилоят мусобақа-ларида **қатнашмаган** спортчилар учинчи босқичга — республика (финал) мусобақа-ларида иштирок этишга йўл қўйилмайди; миллий терма жамоалар таркибига **бар-ча босқичлардан ўтган** голиб ёки соврин-дор бўлган спортчилар саралаб олинади.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари-нинг календарь режасида назарда тутилган **Ўзбекистон чемпионатлари ва кубоклари мусобақалари** спорт турлари хусусиятлари-га мувофиқ спорт федерация (ассоциация) лари томонидан, халқро спорт ташкилотла-рининг тасдиқланган норма ва қоидаларида белгиланган ёш тоифалари (кичик ўсмирлар, ўсмирлар, ёшлар, U-23 ва катталар) ўрта-сида **йилда бир марта ўтказилади**, бунда мусобақаларни тутилган йиллар кесимида ўтказилишига **йўл қўйилмайди**.

Спортни ривожлантириш вазирлиги **икки ой муддатда** халқро тажриба ва стандартларни чуқур таҳлил қилган ҳол-да **миллий чемпионатлар ва кубоклар**-ни ўтказиш тартибини такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

13. Белгилансинки, болалар-ўсмир-лар спорт мактаблари ва уларнинг филиалларини мақбуллаштириш ва улар ходимларини қисқартириш натижасида бўшаб қоладиган бюджет маблағлари Спортни ривожлантириш вазирлиги ти-зимидagi **спорт-таълим муассасалари-нинг бошқа зарур харажатлари учун йўналтирилади**.

14. Белгилансинки, 2023 йилдан бош-лаб ҳар йили қўшимча равишда республи-ка бюджетидан:

спорт мактабларининг тиббиёт хонала-рини замонавий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва тикланиш воситалари билан жиҳозлашга — **10 миллиард сўм**;

спорт мактаблари учун замонавий ўқув адабиётларини чоп этиш ва харид қилишга — **2 миллиард сўм**;

вилоят, республика ва халқро спорт мусобақаларида иштирок этадиган спорт мактаблари шуғулланувчиларини (терма жамоаларини) махсус спорт кийимлари (экипировкалар) билан таъминлашга — **23 миллиард сўм** ажратилади.

15. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ма-зкур қарорга мувофиқ республика бюд-жетидан бир ой муддатда туман (шаҳар) ларнинг спорт ва оммавий жисмоний тар-бия тадбирлари календарь режаларидаги спорт тадбирларини молиялаштириш учун **55 миллиард сўм ажратилишини таъ-минласин** ҳамда 2023 йилдан бошлаб ҳар йили ушбу маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Ва-зирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

жойларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда аҳоли ўртасида спорт мусо-бақалари, спорт акциялари, хаваскорлик чемпионатларини **тизимли ташкил этиш чораларини кўрсин**;

ҳудудий, туман ва шаҳарларнинг спорт ва оммавий жисмоний тарбия тад-бирлари календарь режасида назарда тутилган мусобақаларни ўтказиш, ушбу мусобақаларда ўқувчи-спортчилар иш-тирокини таъминлаш учун ушбу тадбир-лар Қорақалпоғистон Республикаси, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари ва уларнинг қўшимча манбалари ҳисоби-дан **тўлиқ молиялаштирилишини таъ-минласин**;

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 6 июнь	

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОЛИЙ СПОРТ МАҲОРАТИ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

 Бошланиши 1-бетда

2. Институтнинг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

таълимнинг замонавий инновацион технологияларини жорий қилган ҳолда ва илғор хорижий тажрибани инобатга олиб **жисмоний тарбия ва спорт соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш**, жумладан, Халқро тоифадаги Ўзбеки-стон спорт устаси ҳамда Ўзбекистон спорт устаси, шунингдек, Ўзбекистон спорт уста-лигига номзод **спортчиларни тайёрлаш**; жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаш-тириш ва модернизация қилишга қаратил-ган **янги таълим дастурларини ҳамда ўқув машғуллотларининг инновацион шакллари**ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

талабаларнинг **касбий мойиллиги, маҳорати ва кўникмаларини** чуқур ри-вожлантириш;

талабаларнинг **республика ва хал-қро мусобақаларда** иштирокини таъ-минлаш, бу борада спорт захираси ва миллий терма жамоалар **таркибини** шакллантиришда **иштирок этиш**;

спорт соҳасига йўналтирилган **илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш ва ил-мий ишланмаларни амалиётга татбиқ қилиш**;

таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш билан **узвий интеграциялашу-ви учун шарт-шароитлар яратиш**;

истикболли битирувчи спортчиларни чет эл спорт ва илмий-тадқиқот муассасала-рига ўқишга юбориш орқали Институтнинг **илмий-педагогик салоҳиятини ошириш**;

замонавий таълим технологиялари-га асосланган ўқув жараёнларини жорий қи-лиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш, жисмоний тарбия ва спорт

соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизими ҳамда **очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга** кўмаклашиш.

3. Белгилансинки:

Институтда ўқув жараёни **2023/2024 ўқув йилидан** бошланади;

Институтта талабаларни қабул қилиш **Олимпия ва Паралимпия коллежлари** битирувчиларининг **спорт натижалари** (қоида тариқасида аъло ва яхши баҳола-рга эга бўлган иқтидорли ўқувчи-спортчилар орасидан) асосида амалга оширилади;

Институтта талабаларни қабул қилиш **шаффоф ва очиқ танлов** асосида ўтқа-зилади;

Институтта талабаларни қабул қилиш параметрлари **давлат бюрғтмиси** сифа-тида **ҳар бир спорт турининг хусусияти-дан** (вазн тоифаси, спортчилар сони, шу жумладан, спортчи-аёллар сони, жамоа-вий спорт турлари бўйича тегishли спорт турида иштирок этадиган спортчилар сони ва бошқалар) **келиб чиқиб**, ҳудуд-ларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, тан-лаш ва саралаш (селекция) **махсус спорт тизимини бошқариш платформасида** шаклланган Олимпия ва Паралимпия кол-лежлари битирувчиларининг спорт нати-жалари асосида шакллантирилади;

Институт битирувчиларига танланган спорт тури бўйича **“тренер”, “ҳакам”, “селекционер”** ва бошқа мутахассислик-лар берилади;

Институт битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган давлат намунасидаги **диплом берилади**;

Институт талабалари спорт ва омма-вий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режаларига мувофиқ ўткази-ладиган **республика мусобақаларида тўғридан-тўғри иштирок этади**;

Институт талабаларини яшаш учун **жи-ҳозлар, суткалик озик-овқат нормаси** билан таъминлашда Олимпия ва Паралимпия коллежларининг **нормативлари** татбиқ этилади;

Институт **Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимига киради**.

4. Қуйидагилар **Институт фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари; ҳўжалик фаолияти бўйича ва шарт-нома асосида кўрсатилган хизматлар-дан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳо-мийлик хайриятлари; халқро молия институтлари ва хори-жий ташкилотларнинг грантлари; қонунчилик ҳужжатларида тақиқланма-ган бошқа манбалар.

5. Институтта қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

таълим жараёнининг ўзига хос хусу-сиятларини инобатга олган ҳолда ўқув ре-жалари ва ўқув дастурларини **муस्ताқил ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш**;

ўқув режаларидаги назарий таълим улушини қисқартириш ҳисобига **амалий машғуллотлар ҳажмини ошириш**;

профессор-ўқитувчилар ўқув юк-ламасини муस्ताқил меъёрлаштириш, шунингдек, тренерлар ва педагог хо-димлар томонидан ўқув-методиқ, ил-мий-тадқиқот ишлари олиб борили-шини, **“устоз-шогирд” анъаналари жорий қилинишини рағбатлантириб бориш**.

тренерларини Институтнинг ўқув-машқ жараёнларига жалб қилиш;

Институт талабаларини спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари-нинг календарь режаларига мувофиқ йил давомида **узлуксиз ўқув-машғуллот йи-гиларига жалб этиш ҳамда халқро мусобақаларда иштирокини таъмин-лаш** чораларини кўрсин.

9. Институт тизимасида юридик шахс макромига эга бўлмаган:

Ахборот-ресурс маркази;

Тиббиёт бўлими ташкил қилинсин.

Спортни ривожлантириш вазирлиги:

а) 2023/2024 ўқув йилига қадар Ахбо-рот-ресурс марказининг маҳаллий ҳамда хорижий ўқув, илмий ва бадий адабиёт-лар, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмала-ри билан тўлдирилишини таъминласин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

2023/2024 ўқув йилига қадар Институт-нинг тиббиёт бўлимини малакали мута-хассислар билан тўлдирсин;

Институтнинг мусобақаларга тайёр-гарлик ва мусобақалар даврида катта жисмоний юклама остида ҳаракат қила-диган спортчи-талабаларини тезкорлик билан тиклаб олиш учун фармаколо-гик кўмак бериш мақсадида 2023 йл-дан бошлаб ҳар йили декабрь ойига қадар **зарур дори воситалари** билан таъминлаш бўйича Молия вазирлигига асослантирилган **ҳисоб-китобларни тақдим** этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 6 июнь	

Ушбу фармонда ҳам мазкур вазифаларни янада кучайтириш чоралари белгиланган. 2022 йил 1 июлдан бошлаб вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан, шунингдек, хорижий давлатлардан Қорақалпоғистон туманларига бориб ишловчи шифокорларнинг ойлик маошига уч йил давомида 100 фоиз, Мўиноқ туманида

КУН МАВЗУСИ

ДОН ВА УН МАҲСУЛОТЛАРИ ТАҚЧИЛЛИГИ БЎЛМАЙДИ

ЖАРАЁН РЕСПУБЛИКА ШТАБИ НАЗОРАТИДА

Биржа савдоларига ҳар куни етарли миқдорда ун қўйилляпти. Талаб ортиб кетган ҳолатларда куннинг иккинчи ярмида ҳам қўшимча ун маҳсулоти савдоларга чиқарилмоқда. Умуман, жорий йилнинг июнь ойида 170 минг тонна ун биржа савдолари орқали сотилиши режалаштирилган. Талаб мавжуд бўладиган тақдирда ушбу миқдорни янада ошириш имконияти ҳисоб-китоб қилинган. Бунинг учун дон корхоналаримизда захира ҳам, қувват ҳам етарли. Мамлакатимизда дон ва ун тақчиллиги кузатилишига ҳеч қандай асос йўқ.

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда жорий йил 1 июндан дон ва ун маҳсулотларини биржа савдолари орқали эркин нархларда сотиш йўлга қўйилди. Президентимизнинг шу йил 28 майдаги "Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилиб, ғаллачилик кластерлари ва фермерларга бугдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилди.

Бу фермер ва кластерлар учун ўз маҳсулотини бозор нархида сотишга имкон беради. Бошқа томондан, янги тизим ун ва нон маҳсулотлари нархига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Сабаби, энди аввалгидек давлат харажатларининг бир қисмини ўз бўйича олиб, тадбиркорга бугдойни арзон нархда бермайди. Ишлаб чиқарувчилар бугдой ва ун маҳсулотларини биржа орқали эркин нархларда сотиб олиб, тайёр маҳсулот нархини ҳам харажатларидан келиб чиққан ҳолда ўзлари белгилайди. Жараёнда айрим тадбиркорлар бундан фойдаланиб, нархларни кескин ошириб юбориши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Шу боис, давлатимиз раҳбари топшириғига асосан, янги тизим шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаб кетишини назорат қилиш учун Бош прокурор бошчилигида республика штаби тузилган. Ҳозир 21 та вазирлик ва идора раҳбарларидан иборат штабнинг бўлимлари барча ҳудудларда тўлиқ таркибда иш олиб бораёпти. Улар ҳар куни ғаллани сотиб олиш ва сотишда бугдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш, ички бозорда ун ва дон маҳсулотлари нархи ўсиши ва тақчиллигининг олдини олиш, муаммоларни тезкор бартараф этиш бўйича ишламоқда. Бош прокуратура бошқарма бошлиғи Муродилла Абдуҳақимов штаб томонидан бозорда эркин нарх шакллантириш ва аҳолини дон ҳамда ун маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш

борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

— Бу йил ғаллани қабул қилиш ва сотишда жорий этилган бозор механизми, аввало, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ғалла етиштирувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Мазкур тизимнинг барча жараёнлари республика ва ҳудудий штаблар, дон корхоналарига бириктирилган ишчи гуруҳлар томонидан тўлиқ назоратга олинган. Бизнинг асосий вазифамиз ички бозорни ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат. Яъни бундан буён бозордаги нарх-навоми давлат белгиланмайдиган бўлиб, бозор талабининг ўзи белгиланган. Бутун дунёда бозор тамойиллари шундай ва бозор иқтисодиёти механизмнинг моҳияти ҳам шунда. Бу жараёнда бизнинг вазифамиз тақдирни қўлайитириш, бунинг учун тадбиркорларни кўпроқ бозор иқтисодиётида ўз ўрнини топиши, биржа савдоларида фаол иштирок этиб, маҳсулотини эркин сотиши, харажатларини камайитиришга кўмаклашишдан иборат. Чунки бозорда талабга нисбатан тақийф кўп бўлса, нарх барқарорлиги таъминланади. Қолаверса, соғлом рақобат муҳити шаклланади.

Шу боис, ҳар куни онлайн тарзда республика штаби йиғилиши ўтказилиб, ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши, биржада сотилиши ва нон ишлаб чиқарувчиларга етказилиши ҳолати муҳокама қилиб борилмоқда. Ўртимизда қўлпили нон ишлаб чиқарувчи мавжуд 4,5 мингга яқин корхонанинг номма-ном рўйхати шакллантирилди. Уларга фаолиятини тўхтовсиз, тўлиқ қувватда юритиши учун прокуратура, МИБ ва солиқ идораларининг жами 2 137 нафар ходими бириктирилиб, ташкилий ва ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатилляпти. Коммунал масалалар жойида ҳал этилиб, қаерда узлишлар бўлса, зудлик билан бартараф этилляпти. Солиқ идоралари ташаббуси билан қўлпили нон ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг солиқдан



қарздорлигини тўлаш мuddати ҳам муайян мuddатга кечиктирилди.

Шу ойнинг бошидан буён турли сабабларга кўра фаолияти тўхтаб қолган қўлпили нон ишлаб чиқарувчи 10 та корхона фаолияти тикланди. 111 та корхонанинг электр, газ ва сув таъминотидаги муаммолари бартараф этилди. Масалан, Фаргона вилоятида жорий йилнинг май ойида тўнна тонна ун биржа савдолари орқали сотилиши режалаштирилган. Талаб мавжуд бўладиган тақдирда ушбу миқдорни янада ошириш имконияти ҳисоб-китоб қилинган. Бунинг учун дон корхоналаримизда захира ҳам, қувват ҳам етарли. Мамлакатимизда дон ва ун тақчиллиги кузатилишига ҳеч қандай асос йўқ.

далопат. Тадбиркорлар исталган дон корхонасидан исталган миқдорда ун сотиб олиши мумкин. Бу борада ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас.

Биржа савдоларига ҳар куни етарли миқдорда ун қўйилляпти. Талаб ортиб кетган ҳолатларда куннинг иккинчи ярмида ҳам қўшимча ун маҳсулоти савдоларга чиқарилмоқда. Умуман, жорий йилнинг июнь ойида 170 минг тонна ун биржа савдолари орқали сотилиши режалаштирилган. Талаб мавжуд бўладиган тақдирда ушбу миқдорни янада ошириш имконияти ҳисоб-китоб қилинган. Бунинг учун дон корхоналаримизда захира ҳам, қувват ҳам етарли. Мамлакатимизда дон ва ун тақчиллиги кузатилишига ҳеч қандай асос йўқ.

БИРЖА САВДОЛАРИ БАРЧА УЧУН ОЧИҚ

Республика ва ҳудудий штабларнинг асосий вазифаларидан яна бири ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиниши ҳамда режадаги ғаллани даладан дон қабул қилиш шох-хобчаларига олиб келинишини таъминлашдан иборат. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари барча вилоятларда ғалла ўрими бошланган. Жорий йил мамлакатимизда 1 миллион 32 минг гектар майдонда 7,5 миллион тоннадан ортиқ бугдой етиштирилиши кўтилмоқда. Ушбу кўрсаткич ўтган йилдагидан 1,5 миллион тонна кўп.



— Ўрим бошланганига қисқа мuddат бўлган бўлса-да, ҳозирга қадар 200 минг тоннадан ортиқ ғалла дон корхоналарига топширилди, — давом этди Муродилла Абдуҳақимов. — Яратилган янги тизимга кўра, ғалланинг бир килограмми дастлабки нарх сифатида 3 минг сўмдан топширилаётгани ҳамда келгусида биржа нархларидан келиб чиқиб яна ҳисоб-китоб қилинишини барча деҳқон, фермерлар ҳамда кластерлар кўтаринки руҳда кутиб оляпти. Ҳозир барча дон корхоналари ва уларга қарашли 174 та шоххобчага мутасадди идораларининг 1800 га яқин ходими бириктирилган. Янги тизимга кўра, қабул қилинган дон учун ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бошланган бўлиб, ҳозирга қадар ғалла етиштирувчиларга 146 миллиард сўм тўлаб берилди. Ғалла етиштирувчилардан режадан

ташқари ортиқча дон талаб қилинишига тўлиқ чек қўйилиб, ушбу жараён прокуратура ходимлари томонидан назоратга олингани ҳам фермерларда ишонч руҳини оширган.

Умуман, бу йилги ғалла ҳосилидан кўнглимиз тўқ. Режани ортиғи билан бажариб, халқимизни дон ва ун маҳсулотлари билан етарлича таъминлаш кўтилмоқда. Режадан ташқари ҳосил эса фермер ва кластерларнинг ўзида қолади. Давлат янада қўлайлик яратиш мақсадида фермер ёки кластерга тегишли дон маҳсулотини дон корхоналарида бепул сақлаб бериш вазифасини ҳам зиммасига оляпти. Яъни дон корхонаси бугун маҳсулотини биржа орқали сота олмаса, то сотгунча бемалол дон корхонасида сақлаб туради ва исталган вақтда биржага чиқариши мумкин.

Биржа савдолари қўллаб фермерлар учун янги тизим. Қолаверса, ўзимизда ишлаб чиқарилган ун маҳсулотлари аввал биржада сотилмаган. Шу боис, ушбу жараёнларни ташкиллаштиришда ҳам уларга кўмак берилляпти. Ҳудудларда турли тарғибот тадбирлари ташкил этилляпти. Асосийси, биржада иштирок этиш тўловлари бекор қилинган. Ҳозир исталган киши биржа савдоларида қатнаша олади.

Бу имкониятлар бозор механизмига ўтишни фаоллаштириб, сотувчи ва харидорларга қўлайликлар яратади. Бозор нарх-навоми белгиланиш асосида талабга яраша тақийф ортиб бораверади. Рақобат муҳити шаклланиши эса озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Ирода ТОШМАТОВА ёзиб олди.

МУНОСАБАТ

ЧОРВАЧИЛИК КЎМАККА МУҲТОЖ СОҲАДАН ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНМОҚДА

Баҳром НОРҚОБИЛОВ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

Кундалик истеъмол харажатларимизнинг 30 фоизини гўшт, сут ва тухум маҳсулотлари ташкил этади. Агар бунга умумий талаб сифатида қарайдиган бўлсак, ушбу турдаги маҳсулотлар етиштириш ҳажми анча йириклигини аңлаш қийин эмас. Табиийки, шунга мос равишда мазкур йўналиш аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам салмоқли ўрин эгалляйди. Айни сабаблар учун ҳам чорвачилик — аҳоли фаровонлиги ва аиниқса, бугунги кунда жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар силсиласидан кузатилаётган тақчиллик палласига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 31 май куни аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам аини жиҳатлар таъкидланиб, бир қатор долзарб вазифалар белгиланган. Хусусан, аҳолини озиқ-овқат, жумладан, чорва ва паррандачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш мақсадида ҳар бир йирик ҳўжаликнинг ичига кириб, унинг қуввати, ишлаб чиқариш ҳажмини ўрганиш, чорвачилик йўналишидаги лойиҳаларни тўлиқ ишга тушириш чораларини кўриш алоҳида вазифа этиб белгиланди.

Уларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида жорий йилда амалга ошириладиган ишларни режалаштириб олдик.

Жумладан, чорвачилик ва унинг тармоқларини ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 9,7 триллион сўмлик 2 минг 31 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади. Бугунги кунга қадар эса қиймати

3,4 триллион сўмлик 815 та лойиҳа амалга оширилиб, 62 минг доимий ва мавсумий янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида жорий йилнинг ўтган даврида 35 та пахта-тўқимачилик, ғаллачилик ва шўлчилик кластерлари томонидан қиймати 580 миллиард сўмлик чорвачилик комплекслари ташкил этилиб, 20 минг бошга яқин қорамол парвариши йўлга қўйилди. Йил якунига қадар яна 70 та аини йўналишдаги кластерларда 500-1000 бошга мўлжалланган чорвачилик комплекслари барпо этилиб, ишга туширилади.

Бундан ташқари, жорий йил ҳар бир туманда камида 1-2 тадан гўшт ва сут ишлаб чиқарадиган оилавий кооперациялар ташкил этиш бўйича ҳам алоҳида топшириқ берилди. Бу борада кооперация усулида 249 та, шундан, 110 та гўшт ва 139 та сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар томонидан аҳоли хонадонларига чорва моллари етказиб бериш ва етиштирилган чорва



маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш белгиланган. Ҳозирда 56 та кооперация ташкил этилиши натижасида қарийб 2 минг 600 та хонадонга 5 минг 702 бош қорамол тарқатилди.

Эндиликда бу борадаги ишлар янада жадаллашади. Айни пайтда аҳоли хонадонларида кооперациялар ташкил этиш бўйича йирик корхоналарнинг манзилли рўйхати шакллантирилди. Бу орқали ҳар бир хонадонга 2-4 бошдан қорамол тарқатиш ва ҳар бир корхона камида 70 тадан хонадонни қамраб олишига эришиллади.

Пахта ва ғалла асосий экин майдонларининг 10 фоизига алмашлаб экиш тизими жорий қилинади. Натижада чорва озуқа базасини янада қўлайитиришга эришилиб, шу ҳисобдан янги ташкил этилган чорвачилик ҳўжаликлари ва аҳоли хонадонларидаги чорва учун озуқа етказиб бериш имконияти яратилади.

Жорий йил ҳар бир туманда камида 1-2 тадан гўшт ва сут ишлаб чиқарадиган оилавий кооперациялар ташкил этиш бўйича ҳам алоҳида топшириқ берилди. Бу борада кооперация усулида 249 та, шундан, 110 та гўшт ва 139 та сут маҳсулотларини етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар томонидан аҳоли хонадонларига чорва моллари етказиб бериш ва етиштирилган чорва маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш белгиланган. Ҳозирда 56 та кооперация ташкил этилиши натижасида қарийб 2 минг 600 та хонадонга 5 минг 702 бош қорамол тарқатилди.

Чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда 35 минг гектар ерга беда, 184 минг гектарига маккажўхори, 31 минг гектарга оқжўхори ва 14 минг гектар майдонга хашаки лавлаги экилди. Ғалладан бўшаган майдонларнинг 200 минг гектарига такрорий экин сифатида силос учун маккажўхори экилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан берилган ҳар бир топшириқ ечимини, яъни ишлаш тизими, шароити ва, энг муҳими, аниқ манбаси ҳамда пули билан белгиланган берилиши, бу вазифаларни фақатгина тизимли ёндашув асосида ташкил этиш қолди. Бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этган ҳолда, йил якунига қадар қорамоллар бош сонини 14,5 миллионга, гўшт ишлаб чиқариш ҳажминини 2,7 миллион, сутни 12,2 миллион тоннага етказамиз.

Чорвачилик тармоғи ривожини ветеринария хизматисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан маҳаллалардаги чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа йўналишлар билан шуғулланувчи хонадонлар сонини ва уларнинг фаолият тури тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маҳалланинг “Ветеринария хизматларини маҳаллабай ва хонадонбай тартибда ташкил этиш” паспорти ишлаб чиқилди. Қўмита тизимдаги 5 минг нафарга яқин мутахассис хонадонбай ишлаш учун бириктирилди.

Шунингдек, кўма ветеринария хизматларини кўрсатиш сервиси ташкил этилиб, улар томонидан профилактик эмлаш тадбирлари, даволаш-профилактика ишлари ҳамда сунъий уруғлантириш бўйича хизматлар “маҳаллабай” ва “кўчабай” усулда олиб борилмоқда.

Шу ўринда соҳага оид яна бир ижобий кўрсаткичга эътибор қаратиб ўтсак. Ветеринария хизмати томонидан 2016 йилда 300 миллион сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилган бўлса, сўнгги йилларда яратилган шароит ва имкониятлар туфайли пуллик хизмат кўрсатиш кўламини кескин кенгайтиди. Хусусан, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 60 миллиард сўмга етди ёки 200 бараварга ошди.

Давлатимиз раҳбари ветеринария хизмати кўрсатишни 150 миллиард сўмга етказиш топширигини берди. Ушбу маблаглар соҳанинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг қатор қарорлари, соҳада амалга оширилган ишловлар туфайли ҳар икки тармоқ (ветеринария ва чорвачилик) кўмакка муҳтож соҳадан йирик ишлаб чиқариш драйверларига айланди.

Дунёнинг ўзгарувчан геосийсий фонида мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотлари барқарорлигини таъминлаш соҳа мутахассислари олдида турган энг асосий вазифа, таъбир жоиз бўлса, муқаддас бurch ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати, ўртимизда чорвачиликни ривожлантириш, чорвадор ва фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш, аҳолини узлуксиз гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, охириги уч йилда чорвачилик соҳасига 15 триллион сўмдан зиёд кредит ажратилиб, 4 минг 500 га яқин лойиҳа амалга оширилди. Насрчилик ҳўжаликларининг сони 3 бараварга қўпайиб, 1 минг 400 дан ошди. Натижада 2019-2021 йилларда чорва молларининг бош сони 1 миллион 200 мингга қўпайди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам бу борада устувор вазифалар, жумладан, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 1,5-2 бараварга ошириш вазифаси белгиланганки, бу эндиликдаги ишларимиз салмоғи, соҳа истиқболидан далопат беради.



БУХОРОДА БИРЛАШГАН ҚАЛБЛАР

дунёга дўстлик, ҳамжиҳатлик, қардошлик намунасини кўрсатди

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ёзнинг дастлабки кунлари мамлакатимиз ёшлари ҳаётида муҳим воқеалар билан бошланди. Шу йилнинг 3-4 июнь кунлари қадим ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳри туркий давлатлар ёшларига меҳмонлик қилди. Туркий давлатлар ташкилотининг ўн минг нафардан ортиқ йигит-қизни қамраб олган IV Ёш лидерлар форуми кўҳна заминнинг салобати ва нуфузига янада шукух бағишлади. Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Венгрия давлатларидан келган етакчи ёшлар ва делегация аъзолари форум доирасида ташкил этилган ёрқин тадбирларда иштирок этди.



Азалдан илм-фан бешиги саналган шариф шаҳар Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг энг илгор ёшлари ўртасида тадбиркорлик, маданият, санъат, спорт, медиа, илм-фан соҳаларида ўзаро доимий тажриба алмашиш учун мулоқот майдони вазифасини ўтади. Дўстона му-

ташкilotида янги прагматик ғоялар ҳамда аниқ тақлифлар билан фаол иштирок этмоқда. Утган йили Қўқон шаҳри илк бор “Турк дунёсининг туристик пойтахти” деб эълон қилинган, юртимизда “Ёш тадбиркорлар форуми” ўтказилиб, унда туркий мамлакатлардан 250 нафардан ортиқ ёш

ларнинг дўстлиги ва маданий яқинлигининг рамзи бўлиб қолади.

Тадбир давомида санъат, маданият, спорт, бизнес, фан, таълим ва медиа соҳасининг кўзга кўринган вакиллари иштирокида Бухоро шаҳрида келгусида ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириладиган мега-лойиҳалар тақдироти ўтказилган жаҳон илм-фани, техника тараққиёти, мамлакатлар иқтисодий юксалишига хизмат қиладиган креатив ғоя ва ташаббусларнинг юзга келаётганидан дарак берди.

Форумда туркий халқлар ўртасида ўзаро биродарлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги босқич экани эътироф этилди. Юртимиз ўзини яна бир бор туркий дунёда ёшлар мамлакатини сифатида намоён қилди.

Тадбир доирасида турк дунёсининг пешқадам ёшлари азим шаҳарнинг диққатга сазовор тарихий жойларида



“

— Форумлар тарихида илк маротаба Бухоро шаҳри “Биринчи туркий дунё ёшлари пойтахти” деб тантанали эълон қилинди, — деди Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар ишлари шўъбаси мудири Учқун Худоёров. — Шунингдек, Ёшлар марказида “Бухоро шаҳри биринчи туркий дунё ёшлари пойтахти” монументи ва “Туркий дунё ёшлари боғи” очилгани қардош халқларнинг дўстлиги ва маданий яқинлигининг рамзи бўлиб қолади.



носабатларни янада мустаҳкамлаш, барча йўналишларда ҳамжиҳатлиқни кучайтириш мақсадини ўзда мукосам этган форум давомида туркий давлатлар ёшларининг дунёқараши ва тафаккуридаги муштарак жиҳатлар кўзга ташланди. Ёнг муҳими, ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг фикр-мулоҳазалар, ғоя ва лойиҳалар натижаси эзгуликка, тараққиётга, билим чўққиларини забт этишга қаратилган.

Туркий халқларнинг бир-бирини таржимонсиз тушуниши, муштарак тарих, кўп асрлик бой анъана ва қадриятлар уйғунлиги ҳамкорлиқни мустаҳкамловчи бақувват риштага айланмоқда. Кун сайин мустаҳкамланиб бораётган қардошлик алоқалари ривожда ёшларимизнинг ўзаро мулоқоти ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Утган йили Истанбул саммитида Президентимиз нутқ сўзлаб, жумладан, шундай деган эди: “...Келажикимиз давомчилари бўлган ёшлар мамлакатларимиз аҳолисининг катта қисmini ташкил этмоқда.

Бугун ёш авлодининг халқларимиз ҳаёти ва тақдирдаги, ўзаро муносабатларимиз ривожигаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, креатив ғоя ва лойиҳаларини рағбатлантириш, миллий қадриятларимизга ёт бўлган таъсирлардан асраб-авайлаш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан биридир”.

Шунингдек, саммитда давлатимиз раҳбари 2022 йилни туркий дунёда “Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилишни тақлиф қилган ҳамда бу ташаббус барча томонидан қўллаб-қувватланган эди.

Ўзбекистон дунёга очик мамлакат сифатида Туркий давлатлар

тадбиркор иштирок этгани ва мана, энди Ёш лидерлар форумининг Бухорода ташкил этилгани ана шу ҳаётбахш ташаббуслар натижасидир. Бундай ғояларнинг қўллаб-қувватланиши келгусида қатор лойиҳаларнинг ташкил этилишига тамал тоши вазифасини ўтайди.

— Форумлар тарихида илк маротаба Бухоро шаҳри “Биринчи туркий дунё ёшлари пойтахти” деб тантанали эълон қилинди, — деди Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар ишлари шўъбаси мудири Учқун Худоёров. — Шунингдек, Ёшлар марказида “Бухоро шаҳри биринчи туркий дунё ёшлари пойтахти” монументи ва “Туркий дунё ёшлари боғи” очилгани қардош халқ-

бўлди. Улуғ аждодларимизнинг қутлуғ қадамжоларини зиёрат қилди. Бу мамлакатимиз туризм салоҳиятини яна бир бор дунё жамоатчилиги эътиборига ҳавола этиш, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, қадриятлар бардавомлигини таъминлаш, юртимизнинг халқроқ майдондаги нуфузи ва ўрни тобора мустаҳкамлашига хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Тадбир давомида Туркий давлатлар ташкилотининг Ёш лидерлар форуми резолюцияси имзоланди. Экспертлар фикрича, бу ҳужжат туркий дунё ёшлари ўртасидаги қардошлик алоқаларини ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилад.

ЯНГИ ҲАЁТ ШУКУҲИ

Фарғона вилояти Сўх туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси барпо этган “Сўх” болалар соғломлаштириш оромгоҳи очилди

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси
Матбуот хизмати раҳбари

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, Фарғона вилояти ҳокимлиги, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, Ўзбекистон ва Тожикистон касаба уюшмалари делегацияси, Қирғизистоннинг Боткен вилоятидан меҳмонлар, зиёлилар, устоз-мураббийлар, таниқли ижодкорлар, ота-оналар, уларнинг фарзандлари, нурунийлар, маҳалла фаолларидан иборат кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Тадбирда Ўзбекистондаги ислохот ва янгиланишлар, энг аввало, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли экани эътироф этилди. Сўх тумани аҳолиси, хусусан, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар, эҳтиёжманд

шийпонлар болалар ихтиёрига топширилди. Шунингдек, дам олиш масканида ота-оналар учун шинам суҳбат айвончалари ҳам барпо этилди.

Оромгоҳ қурилишига 27 миллиард 560 миллион сўм йўналтирилганининг

ўзиёқ мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига кўтарилгани далилидир.

Шу кунги сўхлик 200 ўғил-қиз оромгоҳининг илк меҳмони сифатида дам олишни бошлади. Улар кўз ўнгига оромгоҳ учун “Дамас” автомашинаси топширилди.

Бугун ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш йўлидаги Ўзбекистон тажрибаси халқроқ экспертлар ва нуфузли ташкилотлар эътиборини тортмоқда. Зеро, давлат ва жамоат ташкилотлари саъй-ҳаракати ҳамда имкониятларини болаларни сифатли дам олдирish ва соғломлаштиришни таъминлашга ижтимоий шериклик асосида йўналтириш амалиёти Ўзбекистонда яратилган ноёб тизимлардан биридир.

Бу ишларга Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, охириги беш йилда давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан 8 та замонавий болалар оромгоҳи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада ҳар йили қўшимча 9 минг болани соғломлаштириш имконияти яратилди.

“Сўх” болалар соғломлаштириш оромгоҳининг тантанали очилиш маросими Хотин-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан Сўх туманидаги 27 та маҳалла, Фарғона туманидаги “Шоҳимардон” ва “Ёрдон” маҳаллалари ҳамда Риштон тумани “Чунғара” маҳалласидаги масъуллар ўртасида ташкил этилган “Ёнг яхши маҳалла раиси”, “Ёнг яхши сектор раҳбари”, “Ёнг яхши хотин-қизлар фаоли”, “Ёнг яхши ёшлар етакчиси”, “Ёнг яхши ҳоким ёрдамчиси” танловларининг туман миқёсидаги ғолибларини тақдирлаш тадбирига улашиб кетди.

Мазкур танловлар аҳоли муаммоларини “хонадонбай” ва “фуқаробай” ўрганиш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш, “Аёллар дафтари” тизими самарадорлигини таъминлаш ҳамда хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда ўзининг фидокорона меҳнати билан барчага намуна кўрсатган масъулларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.

Танловнинг ҳар бир йўналишида 3-ўринни қўлга киритган ғолиблар диплом ва 20 миллион сўмдан пул мукофоти, 2-ўринни эгаллаганлар диплом ва 30 миллион сўмдан пул мукофоти, 1-ўринни қўлга киритган ғолибларнинг ҳар бирига диплом ва Президент совғаси — автомобиллар тантанали равишда топширилди.

Шу кунги Сўх туманидаги марказий спорт майдонига туман аҳолиси учун маданий-маърифий тадбир ҳам ташкил этилди.

Ёзувчи-шоирлар, таниқли санъаткорлар иштирокидаги адабий-бадий дастур иштирокчиларга хушқайфият улашди. Эл кайвонилари дориламон кунлар учун шукроналар айтиб, дуо қилди. Юрт равнақи йўлида хизматга шайланган ёшлар қалбида завқ-шавқ, зўр ғайрат жўшади.



оилаларга яратилаётган шарт-шароитлар, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада мустаҳкамланиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз борди.

— Давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори билан утган беш йилда Сўхда улкан тарихий янгиланишлар амалга оширилди, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси, сенатор Қўдратилла Рафиқов. — Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси натижаси бўлиши мана бу ўзгаришлар фикримизнинг ёрқин далилидир. Бундан атиги беш-олти йил илгари Сўхга вилоят марказидан авиакатновлар йўлга қўйилиши, сўхлик ёшлар олий таълим олиши учун махсус грантлар ажратилиши, уларга турли имтиёзлар берилишига ҳеч ким ишонмасди. Буларнинг барчаси Президентимизнинг ўз халқига, хусусан, сўхликларга қайноқ меҳри ва ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Бугун фойдаланишга топширилган “Сўх” болалар соғломлаштириш оромгоҳи ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси ва эътибори маҳсули, Сўх халқига ажойиб туҳфаси.

Умумий майдони қарийб 5 гектар бўлган оромгоҳ 200 ўринга мўлжалланган. Бу масканда ёзги мавсумда жами 1000 нафар болани соғломлаштириш мўлжалланган. Ўғил-қизлар мириқиб хордик чиқариши, жисмонан чиникиб, саломатлигини мустаҳкамлаши, билимини ошириши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан бойитилган ахборот-ресурс, маданият ва маърифат марказлари, тиббиёт ва тўғрақ хоналари, тадбирлар майдони, амфитеатр, замонавий сўзчи ҳавзаси, спорт майдончалари,

